

ТОШКЕНТ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

ОҚШОМИ

Рўзнома 1966 йил 1 майдан
чанда бошлаган

№ 88 (7. 477)

1991 йил 10 май, жума

Нархи 8 тийин.

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

- Ўзбекистон ССР Президенти Фармони билан А. Р. Отамонов Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари — меҳнат вазири этиб тайинланди.
- Ангренининг собиқ Жигаристон кўрғони ўрнида хотира боғини ташкил этиш мўлжалланмоқда. У 15 гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- СССР Президентининг совет невислари вакиллари қабул қилди. У СССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда совет невислари муаммолари билан шуғулланувчи комитет ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.
- «Молодая гвардия» нашриёти Қозоғистон

СССР Президенти Нурсултон Назарбоевнинг «Унларсиз ва сўлларсиз» китобини нашрга тайёрламоқда. «Азия-пресс» ахборот агентлиги қозоқ китобхоналарига бу асардан парчалар тақдим этди.

ХОРИЖДА

- СССР Ташқи ишлар вазири Александр Бессмертныхнинг Яқин Шарқга беш кунлик сафари давом этмоқда. У Сурияда бўлгандан сўнг Иордания, Исроил ва Миср раҳбарлари билан Яқин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш масалаларини муҳокама қилади.
- АҚШ конгресси ҳузурдаги Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича комиссияда Болтиқ дېңиз бўйидаги ҳаво муҳокама этилмоқда. Ушбу комиссия мажлисларида Литва Олий Кенгаши раиси Ландсбергис, Эстония ва Латвия ҳукуматларининг раҳбарлари Сависаев ва Годманис сўзга чиқдилар.
- Бельгиянинг Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳрида ўзбек рассомларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ «ОҚШОМ» НАЗОРАТИДА

● Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Тошкент шаҳар иқтисодий қўмитетининг уй-жойларни тақсимлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш ва уй-жой фондини фуқаролар шахсий фондига ўтказиш ҳамда ҳам тақсимлаш. Шунингдек, уй-жойларни тақсимлаш масалаларида ошкораликнинг йўқлиги меҳнат жамоаларидаги маънавий муҳитга таъсир қилётгани, айрим корхоналарда ва ташкилотларда, иқтисодий қўмитетларда навбатда турувчиларнинг рўйхати йўқлиги, бу эса одамларнинг ҳақини эътирозлари ва шикоятларига сабаб бўлаётганини таъкидланди.

Мақсадда илгари суртилган вазифалардан келиб чиқиб Тошкентнинг «Оқшом» рўзномалари шаҳардаги уй-жой қурилишининг бориши қандайдигини кенг яритишни давом эттириб, тайёр бўлган уйларнинг тақсими буйича махсус ва доимий рўйхатлар очиниши ҳам режалаштириди. Янги рўйхатда СМЗ, ҳурматли муштариёлар уй-жой қурилишининг бориши ҳақидаги мақолалар, лавҳаларини ўқинишга мумкин. Шунингдек уй-жой бошқармалари бошлиқлари, маҳалла қўмитети раисларининг чиқишлари ва уй-жой тақсими буйича шаҳар ёки район раҳбарларининг ҳисоботлари билан танишасиз.

ҚУРУВЧИ ЎЙЛАРИ ҲАММАНИНГ БУРЧИ

ЭСИМНИ танибманки, қурувчилик қиламан. Шу касбада ишлашга жазм этганимдан бери бир нарса менга тинчлик бермайди. У ҳам бўлса биз қуриб тошираётган турар жой биноларининг сифати. Кўпинча минг оруз-умидлар билан янги уйларга кўчиб кетган кишилар дилини биноларнинг сифатсизлиги қуфтон қилади.

Ушунга нимага шундай? Айб кимда? Бу нарса қурувчиларни ҳамма вақт ўйлантириб келган. Шу ҳақда қурувчи сифатида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирсам.

Бир неча йиллик иш фаолиятимдан маълумки, юқоридagi иллатнинг асосий сабаби қурилиш материалларининг сифатсизлигидадир. Яъни бизга ҳар хил ташкилотлардан етказиб берилётган хом ашёлар кўпинча давлат стандартларига тўла жаоб бермайди. Мисол учун темир-бетон заводларидан келатган плиталарни олайлик. Бизни шу материаллар билан таъминлаётган корхоналар ўз ишларига ҳамма вақт ҳам маъсулият билан қарайвермайдилар. Гоҳида шундай темир-бетон буюмлари келиб қоладики, уни хом ашё дейишга одамнинг тили бормайди. Плиталарнинг чети учган, дара кетган.

Муаммонинг иккинчи томони эса бу

таъминот масаласидир. Чунки ҳозир қурилишни бусиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Хом ашёнинг ўз вақтида етиб келмаслиги туфайли қурувчилар кўпинча туриб қоладилар. Кейин ой охирида ҳайбаракчилик бошланиб кетади. Ойнинг бошида буюмлар иш тополмай ўтирган бўлсалар, ой охирига келиб 8 соат ўрнига 10—14 соатлаб ҳам ишлайдилар. Бу эса қурилиш сифатига таъсир этмай қолмайди.

Қурилишдаги сифатсизликларда биз бунёдкорларнинг ҳам айбимиз бор. Албатта. Сўнги вақтларда биз айбни фақат бировлардан излашга ўрганиб қолдик. Аслида эса баъзи қурувчилар ўзларига талабчанлик билан ёндошмайдилар. Улар учун қурилиш теэрқ тугасада, ўзига тегишли маошини олиб кетаверса.

Хуллас, уй-жой ва бошқа қурилишларнинг сифатсиз чиқишида ҳаммамизнинг айбимиз бор. Бинокорлик ишларига дахлдор барча корхона ва ташкилот ишчи ва хизматчилари бир ёқадан бош чиқариб яхши ишласалар, аминманки биз қурган уйлар сифати юқори бўлади. Бу иш ҳаммамизга боғлиқ.

ҲУЛИЯ САМИҒОВ,
12-трестнинг 48-қурилиш бошқармаси бригадир.

Ўлда - жўлда

ҲАР гал ишдан қайтаётиб ёки ишга келаятиб ўтиб бораётган айрим бехуда кунларимизга ачинаиб кетаман. Сабби доимо нимадир кам ёки умуман йўқ. Ойладаку бундай етишмовчиликнинг чорасини излаб топар экансан, аммо қурилиш жараёнида бунинг ҳеч иложи йўқ экан. Кейинги икки-уч йил ичида Сергели районда қад кўтарган осмонлар бинолар ҳақида ва шундай гузал мазеелар, дехалар барпо бўлади деб ҳеч ким ўйламаган. Хатто ўзим ҳам. Сергели — 7 ва 8 мазеелари аввалроқ бунёд бўлди, 7-а ва 8-а мазееларида ҳали қурилиш давом этмоқда. Аммо жуда суст. Бунинг устига Сергели — 5 ва 6 мазееларининг пойдевори бошлаб қўйилган. Ҳаммаси ўлда-жўлда.

Бетонларга буюртма берсанг келгунча кунлар эмас, ойлар ҳам ўтиб кетади. Бетон уйлар учун кафел ишлатмасга яна бўлмайди. Ангренидаги лармар завод биани кафел билан таъминлашни керак, аммо уларнинг иши бизни қониқтирмапти. Яна керак бўладиган бўёқ, гулгоҳчи, эшик ромлар, иситиш ускуналари ва ҳокзаларини доимо югур-югур билан олиб келинади.

Шунинг учун мутасадди раҳбарларнинг яна шу таъминот масаласини қайта кўриши деганда бир кўриб чиқсалар, кундалик иш учун меҳорда қурилиш материалларини тегишли жойларга жўнатиб турадиган қисқалар жуда соз иш қилган бўлар эди.

Абдурайим ТУЛАҒАНОВ,
1-пардозлаш бошқармасининг пардозчилар бригадаси бошлиғи.

Дардимга чора борми?

АЗАМАТ қурувчилар лойдевормига биринчи ғиштини қўйишганида кувончдан бошим осмонга етган эди. Теъда қад кўтараман-у муҳтож оилаларга бошана бўламан, деб ўйланганимда, Бунёдкорларга балли, бир ишга киришса поёнига етказмай қўйишмайди. Уларнинг ёрдамида кун сайин кўкка бўй чўзим. Инки йиллик оғир меҳнатдан сўнг ниҳоят фойдаланишга тоширилдим. Ҳар бири ўн хонадонга мўлжалланган тўрт йўланимга 40 оила кўчиб кириб, бағримни тўлдирди. Бирин-кетин ҳовли тўрлар бўлди. Ҳандаги шодликларнинг акс-садоси ҳали ҳам кўлогим остида жаранглайди.

Кейин... орадан йиллар ўтиб, иккинчи йўланим ертўласи сув билан тўлди. Бу сув қайдан келипти? Аниқлашларигача ойлар ўтди. Чивин тўла йўланимда қаватларга қурилиш мушкул бўлиб қолди. Тагин ҳам ўша йўлак қаватларида яшовчиларнинг сабр-тоқатиға қойилган. Чидам билан юришди. Чамаси масалани оқилона ҳал этмоқчи бўлишди. Сув сўригич насослар ишга тушди. Улар бугун ертўлани тозалашса эртасига яна сув босарди. Ҳамма дарда даво топиладиган бир амаллаб бу кўнглисизликка ҳам йўл топилди. Инки йилча одамлар тинч яшашди.

Учинчи йилга ўтиб яна ари нинга чўп тикқандек ҳамма тўзиб қолди. Бу сафар ертўладаги қурувчилар кетма-кеч ёрилишни бошлади. Ҳали у ер, ҳали бу ердан шариллаб сув оқади. Одамлар дам уй-жой бошқармасига, дам райижроқўмга чопишди. чора излашди. Бошлиқлар келиб кўриб ваъда бериб кетаверишди. Бироқ ишдан дарак йўқ.

Езда-ку бир нави. Айниқса кишда ёмон. Тешик қурувлардан иссиқ сув фонтан бўлиб отилади. Ундан чиқатган ҳовурдан йўланин гўё қуюқ туман босандек юриб бўлмайди. Одамлар асаби, болалар бақирган, аёллар юрак ҳовучлаган. Бу орада худди ўқанишганидек, уй-жой бошқармасининг бошлиқлари ўзгаргани ўзгарган дег. Энди-гина биттаси тузатишга ваъда бериб кетса, эртаса воқеадан беҳабар янги бошлиқ одамлар шикоятини елга сиқиб эшитишди. «Воқеа содир бўлган жойга» бориб аҳвол билан танишса бosh чайнаб «Чорасини топармиз» деб кетди.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонман орадан роса уя йил ўтди ҳамки, ҳали ҳам улар дардимга чора излаб юришди. Хайрият қаватларимда ишчи баъзи кишилар ёрдамида кишдан омон-есон чиқиб олдим. Мада олди ёз. Умидим шу ёзда. Ажаб эмаски, Юнусов даҳасида жойлашган 96-уй-жой бошқармаси раҳбарлари инсофна келиб шураб қолган ертўлани «капитал»дан чиқаришди. Илма-тешик қурувларини янгилашса. Инсофнинг ҳам чегараси бўладику ахир.

Юнусовнинг 15-мавзёда жойлашган 57-уй шикоятини оққа кўчирувчи:
Қобил ИСОҚОВ.



ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

7 май кунин Тошкентда шаҳар меҳнаткашлари ва пойтахт горизонини жангчилари вакиллари 1941-1945 йиллардаги Улуу Ватан урушида Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Галабасининг 46 йиллиғига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи Туркистон Ҳарбий округи штаби бошлиғи генерал лейтенант Ю. Д. Букреев йиғилишда маъруза қилди.

Йиғилишда Совет Иттифоқининг Улуу Ватан урушидаги Галабаси гоят кунини эълон қилди. У социализмнинг улкан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий имкониятларини, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар, мамлакатимиздаги барча халқлар иттифоқининг мустақамли

ғини тўла-тўқис намоён қилди. Халқимиз буюқ Галаба кунини мураккаб вазиятда кўтиб олмоқда. Мамлакатдаги воқеаларнинг ривожини бартараф этишнинг СССР Президенти билан тўқиз жумҳурият раҳбарларининг қўша баёнотида таърифлаб берилган чора-тадбирлари жадаллик билан амалга оширилишига умид боғламоқда. Мамлакат тақдирини, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳар бир хонадонда фаровонлиқни эъзозлайдиган барча кишилар биргаликда зўр гайрат билан ҳаракат қиладиган пайт келди. Ижтимоий тотувлик, фуқаролар тинчлиги, барча сиёсий кучлар муҳофизатидан ҳамда ўз назорат-нафсини қўзлашдан

воз кечиши зарур. Ўзбекистон меҳнаткашлари, туркистончи жангчилар барча совет кишилари каби мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишнинг СССР Президенти билан тўқиз жумҳурият раҳбарларининг қўша баёнотида таърифлаб берилган чора-тадбирлари жадаллик билан амалга оширилишига умид боғламоқда. Мамлакат тақдирини, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳар бир хонадонда фаровонлиқни эъзозлайдиган барча кишилар биргаликда зўр гайрат билан ҳаракат қиладиган пайт келди. Ижтимоий тотувлик, фуқаролар тинчлиги, барча сиёсий кучлар муҳофизатидан ҳамда ўз назорат-нафсини қўзлашдан

шнлари қўмондонини генерал полковник И. В. Фуженко, халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг раиси, вилоят партия қўмитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, шаҳар партия қўмитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎЗАТ).

КЕЧА Тошкент Буюқ Галабанинг 46 йиллиғини тантанавор нишонлади. Шаҳардаги Мангу олов ёнига, Боллоград кўчасидаги мемориалга ановий гуллар қўйилди, Ўзбекистон ССР Президенти,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитети, Олий Кенгаши, Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоят партия қўмитетлари ва шаҳар ҳамда вилоят Кенгашлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, Ўзбекистон комсомоли ва бошқа бир қатор идора ва ташкилотлар номидан гуллар қўйилди. Маросимларда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

Галаба байрами тадбирлари катта мушавволик билан яқунланди. Юқоридagi суратларда Галаба байрами нишонланганидан лавҳалар тасвирга туширилган.

Рустам Шарипов суратлари.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

УЛУГ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Кўп йиллик ҳалол меҳнат, республикани ижтимоий ва маданий ривожлантиришдаги хизматлари ва Галаба кунини муносабати билан қўйилган ўртоқларга фахрий унвонлар берилсин:

● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ФАЙ АРВОБИ.**
Охунжонов Босит Алиевич — Тошкент тиббий педиатрия илмий-тадқиқот касалликлари кафедрасининг мудири.
● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ.**
Иброҳимов Эриш Иброҳимович — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг андрология ва илмий-тадқиқот илмий-тадқиқот касалликлари кафедрасининг шифокор-хисобчиси.
Сирожев Пулат Сирожевич — Тошкент қурилиш Бош бошқармаси тиббиёт-санитария қисми бошлиғининг ўринбосари.
● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ.**
Умаров Тулупберген — Тошкент вилоятининг Оржоникиде районидagi 9-мактабнинг ўқитувчиси.
Назаров Алоҳид Константинович — М. Афшарий номидаги Тошкент Давлат консерва-

торияси халқ чолғу асбобларидаги иккунчилик кафедрасининг доценти.
● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ.**
Раҳимов Муҳаммаджон Раҳимович — журналистика фахрийси. Андижон вилояти.
● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ.**
Петров Владимир Николаевич — «Ўзбек олтин» ишлаб чиқариш бирлашмасининг геологи.
● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЮРИСТ.**
Вирин Михаил Михайлович — Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмий директорининг ўринбосари.

● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЮРИСТ.**
Вирин Михаил Михайлович — Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмий директорининг ўринбосари.

● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЮРИСТ.**
Вирин Михаил Михайлович — Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмий директорининг ўринбосари.

● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЮРИСТ.**
Вирин Михаил Михайлович — Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмий директорининг ўринбосари.

● **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЮРИСТ.**
Вирин Михаил Михайлович — Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмий директорининг ўринбосари.



Дам олиш ОҚШОМИДА

Е3 яқинлашиби билан Тошкент бозорлари деҳқонлар маҳсулотларига тўла бошлайди. Аммо бу йилги нарх-наволар... Наҳора, сотувчи кўпроқда сотсам дейди, олчунчи эса арзонга... Орада савдолашу, тортишув бўлиши аниқ. Бозор шунинг учун ҳам бозор, айнан сотувчи билан харидор муносабати, ўзаро келишиб савдо-сотик қилиши бозордир.

Кейинги пайларда эса бозорларимизда ҳамма нарса бўлгани билан бир нарса етishмай қолди. Бу ҳам бўлса сотувчининг харидорга, харидорнинг сотувчига ўзаро ҳурмати, инсофи. Бунинг оқибатида сотувчи билан харидорлар ўртасида баъзан «ғиж-ғиж»лар пайдо бўлмоқда.

Шундай сажий заминимизда, ерга таёқ қадасе даракт кўкярдагидан жойда мева-чеванинг нархи нима учун осмонда эканлиги тўғрисида ўйлаб кўрайлик. Бунинг сабаблари кўп. Аввало — шаҳар ва шаҳар атрофида ҳамда жумҳуриятимизнинг хўжаликларидеа боғ-роғлар кескин камайиб кетди. Оқибатда бозорларга келиб тушадиган мева маҳсулотлари йилдан йилга озаийши сабабли нарх-наво ҳам кўтарилди бормоқда. Бу пахта ажжаҳонимизнинг асосатларидан биридир. Бундай аҳвол бир кунда ёки бир йилда юзага келгани йўқ, у йиллар давомида шаклланди. Агар бу муаммоларни бартараф эттишни биз бугундан бошламас эканмиз

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Деҳқон бозорлари: нарх-наво, сотувчи ва харидор



Айримлар учун растага молини қўйган ҳамма сотувчи олибсатар, чайковчи бўлиб кўришмоқда. Тўри, шולי куракмаси бўлмайди. Деҳқон қиёфасидаги олибсатарлар ҳам бор. Лекин ҳамма унинг касрига қолмаслиги керак-ку! Ахир деҳқон өз бўйи тёр тўкиб, бола-чақасининг ризқини қиркиб, турмушини аяшларимиздан, тиркичилигини ўтармикан, беш-олти таंगा топармиканман деган ният билан бозорга мол олиб келади. Маҳсулот етиштириш машаққатини қўя беринг. Тайёр молини бозорга олиб келиш неча пулга тушадиганини уларнинг ўзларига айв. Бозорларда баъзи шилар деҳқонни «Нега қиммат сўрайсан!» дея ҳақорат қилганларида буни ҳеч ўйлаб кўрдимиканлар! Тунов кун Олой бозоридеа уч-тўрт нафар йигитлар бодом сотадиган кишини қаттиқ ҳафа қилишди. «Нега бодоминг қиммат!» деб унинг бқасидан олишга тайёр эдилар. Уларни баэур амрэтиб, муросага келтирдик. Бошда бозорларда сотувчиларнинг моли тўтариб кетилгани ҳақидеа гапиршишмоқда.

Албатта, корхона ё ташкилотда кун бўйи маҳнат қилиб, олган маошига фарзандларига баҳор неъматларидан харид қилолмаётган шахарликлар кайфиятини тушуниш мумкин. Кишилар пулни кўчадан сулуриб олмайдилар. Айниқса, оқдий маҳнатхона. У 5—10 сўм топшиш учун кун бўйи ишлаш керак. Шундай бўлса ҳам нарх-наводан даргазаб бўлиб, ўзига хос кнманувий судолов уюштириш тўғрисики

— Бу муаммо бизни жиддий ташвишга солмоқда, — дейди Тошкент шаҳар деҳқон бозорлари бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Муродонов. — Бозорларимизда харидор ва сотувчилар ўртасидаги муомала баъзан можорасга айланмоқда. Бундай ур-тўполон, хунук аёвқавлар билан жамиятимизда неча йиллаб газак отиб кетган иллатларни давсалаб бўлмайди-ку! Бир неча йил илгари ҳам ҳеч нима олмас ҳам бозорни айланган одамнинг кўзи, дили қуварди. Бир доғишда «Шаҳар аҳолисининг кайфияти, халқнинг бадавлатлиги бозорларидан биллинади», деб айтган экан. Ҳа, бозорлар — халқ кайфиятини кўтарувчи ўзига хос даргоҳдир. Бу даргоҳдан маҳр ариса, инсоф кўтарилса юрт тинчлиги бузилмайди.

Ахир яқин-яқинларгача бозорларимизда сотувчиларнинг «Олаверинг, ейишингизга пул олмаймиз, олмасингиз ҳам тоғиб кўрини» ёки «Келинг, пулингиз бўлмаса ҳам олиб кетинг, эртага ташлаб кетарсиз!» кабидаги самийи гапларини эшитиш мумкин эди-ку!

— эртага янада оғирроқ аҳволга дуч келамиз. Ана шу ўринда — Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг шахсий томоқларини кенгайтириш, шахарликларга дала ҳовлилари бериш тўғрисидаги Фармонларни аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу Фармонларнинг ижил бажарилишини таъминлаш бозорларимиз сёртўқинлиги ва нарх-наво арзонлашишининг қаролатидир.

Муаммонинг яна бир томони — деҳқоннинг ўз маҳсулотини бозорга олиб келиш машаққатларидир. Агар транспортлар деҳқонга ердэмга келсалар, маҳсулот олиб келиш етушовидан улвин қимматга тушмаса, бозордаги нарх-наво ҳам ҳозирдегидан анча арзон бўлиши турган гап эди.

Бозордаги мева-чева нархининг тушиши учун давлат дўконларида ҳам мева-чева бўлиши керак. Шундагина бозорда авжга чиқадиган «кич ошди» савдоси бир маромга келган бўлур эди. Афсуски, бизда бундай эмас. Бизда тескарис, давлат дўконлари бўшаб атибди. Ани бўлган тақдирда ҳам сифатсиз, сотушга чиқарилш мумкин бўлмаган мева-чева ва сабзавотлар бўлади. Ҳўш, энди савол туғлади: нега бозордаги маҳсулотнинг сифати яхши-ю, давлат дўконларидаги маҳсулотнинг сифати ёмон!

Бозорда давлат дўконлари билан бир қаторда ширкат дўконлар ҳам маҳсулот сотмоқда. Ширкатни ташкил этишдан мақсад — мавжуд аҳолни енгиллаштириш эди. Афсуски, бунинг тескариси бўлмоқда. Ширкат дўконларида сотилаётган маҳсулотлар бозордаги нарх билан тенглашадиган ва ҳатто юқори ҳам. Рақобат бўлмаган, нарх-наво тушадими!

Бозорларга жумҳуриятимизнинг бошқа чекка жойларидан маҳсулотнинг кириб келиши минг бир қийинчиликлар эвазига бўлмоқда. Тошкент шаҳрининг Қўйлик, Олой, Қорақамиш деҳқон бозорларидаги тартиб бир оз кўнғилдагидек бўлса, бошқалардаги аҳвол жуда оғир. Деҳқонларга яхши қулайликлар яратилмаган. Маҳсулот олиб келганларга доимо ҳам жой етишвермайди.

Албатта, деҳқон бозори муаммолари биз тилга олган масалалар билан асло чекланмайди. Кейин уларни тилга олаверган билан амалий чоралар кўрилас экан, жиддий ўзгаришларга умид қилиб бўлмайди. Бу ҳақда аэиз муштарийларимиз, шу жумладан деҳқонлар, транспортчилар, ҳамшаҳарларимиз ва мутасаддиларнинг фикрларини ҳам эшитсак айни мудабо бўларди.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Тошкент оқшом» мухбири.

Тиббиёт мўъжизалари

УЗОҚ УМР МАЛҲАМИ

ТАБИВЛАР ва кимёгар олимлар неча-неча асрлардан буён инсон умрини узайтириш чора-тадбирларини қилириб келмоқдалар. Доктор Хаммер (АҚШ) ҳам шу масала етушда жуда кўп илмий изланиш олиб борган. Бунинг натижасида у «Витталиштирилган гидроксилазол» малҳамини яратди. Бу йил малҳам устушда жуда кўп сиқонларга берилиб, тажрибада синиб кўрилди. Уни истеъмол қилган сиқонлар 20 ойдан ҳам кўпроқ, малҳам берилмаганлари эса фақат 14 кун яшадди. Ҳақиқатан ҳам узоқ умр кўриш сирларини кўчирилиб билгиси келди. Бугун келди бўйича фақат бизнинг мамлакатимиздагина геронтолог мутахассислар-

дан иборат илмий жамоалар илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Олимларимизнинг кўп йиллик олиб борган ишлари натижасида инсоннинг узоқ умр кўришига ердاملашувчи энг муҳим омиллар қаторида улар оқидона сўқатилгани ҳамда турар жойни тилга олмоқдалар. Шу билан бирга узоқ умр кўрганлар узоқ соғ-саломат илаш сирини маҳнатда, деб айтмоқдалар. Фаол иқоидий меҳнат кишини фарлат уйсундан йўғотадиган, ундаги куч-гайратни ишга соладиган меҳнатда гап кўп экан. Ҳа, киши ўзининг жамият учун фойдали инсон эканлигини ҳис эттирадиган бўйдекорлик меҳнатда гап кўп.

Тўхтамуна МАХМУДОВ.

Билиб қўйган яхши

ТУЗДАН ЯСАЛГАН ХАЙКАЛЛАР

АВСТРИЯДА ош тузи конлари кўп. Зальцбург шаҳрида яшовчи 20 йилли Карл Фриш кон тузалари билан бўш вақтида хайкаллар ясашга иштироб. У тузини бир-бирига ёпиштириш имконини берадиган эмульсия тоғиб, катта-катта хайкаллар яратишга муваффақ бўлди. Натижада туз хайкаллар намликка чидамли бўлишди. Жумладан, антик афсона асосида «Амур» деган асарининг бўйи бир метрга яқин қўшалок ва катта ишди. Муаллифининг шундай ўнлаб туз хайкаллари томошабинларни ҳайратта солмоқда.

МИХ УСТИДА

ЖАНУВИЙ Африка республикасининг Рейтон шаҳрида яшовчи муҳандис Блестер тахтага найза учи чиқариб қўйилган миҳлар устига фақат бир топқа оқ қойлаб ёпиб бир кеча ухлаб чиқди. Блестер «мих тушадиган» нафақат яхши ухлаб чиқди, балки танасининг бирон-бир жойи қирилмади ҳам. Ажабланган одамларнинг фикрича, бу кўп йиллик мунтазам машгулотлар натижасидир.

ПОВНОЛИКНИНГ ФОЙДАСИ

ВИЛЬНЮС шаҳрида эркаклар орасида энг кучли киши ким эканлиги аниқланди. Бундай нусобада шартлига кўра катнашувчилар оғирлиги 25 яриш килограммли тоғиши олсига иттириш оғир юк ортилган аравадан жойидан кўзгатилш, 200 килограммлик кум солинган қопни камида 200 метр масофага олиб бориш ҳамда оғир юкни платформани кам деганда, елкасида 5 сантиметр юқорига кўтарга олиш шартлари эди.

Бундай ажойиб мусобадада Клайпеда шаҳрида яшовчи 32 йилли матрос Раймондас Зенкявичус ғолиб бўлди. Ғолиб устига 1100 килограмм юк ортилган араваини 3 метр 43 сантиметр масофага тортиб борди ва 90 килограммлик қопдаги юк билан 200 метрни 48 секундда босиб ўтди.

Раймондас повнолиги учун «Шиллялис» телевизиори ҳамда пул мунофоти билан тақдирланди.

БИР ТУП ОЛМАДА

ВИНИЦАЛИК шофёр А. И. Пацалюк пенсияга чиқиб ўз томоқларидеа аниқлаб ишлар қилди. У дарактларини бир-бирига пайвандалиш натижасида бир йилда инки марта ҳосил берадиган лимон кутанини яратди. Ҳаваскор боғбон бир туп олмангиз уч шохига пайванда қила-қила ҳозир ундан 58 хил олма ҳосили олади.

Собит РАҒУРОВ, туғлаган.

ЮНУСОБОДЛИК Қурбон ака Салимов оиласи бириктирилган даҳадаги Киров районига қарашли 44-озик-овқат маҳсулотлари дўконига кирди-ю, дили хуфтон бўлиб чиқди: «Ахир, нима деган гап, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари — сариғ, туҳум ва ун бўлмаса-я!» Сотувчи билан ади-бади айтишиб ўтиришга ҳоқати бўлмади. Яна бунинг устига шундай катта дўконда фақат уч сотувчи хизмат қилаётди. Агар сотувчиларнинг сонини кўпайтиришса, навбатда турганларнинг вақтлари анча тежалган бўлариди!

Ана шу ҳавл билан уйга келди-ю, ёнига жумҳурият халқ назорати комитетига ўрнатилган ишонч телефони эсига тушди. Умид билан у ерга телефон қилди. Қурбон ака билан гаплашган комитет қабулхонаси мудири Раҳмон Маҳмудонов унинг мурожаат юзасидан керакли чоралар кўрилажаги тўғрисида ваъда берди. Уша ҳаётингиз дўкондаги аҳвол текшириди. Дўкон мудири ўрибосари С. Каримова маҳсулотлар етказишда узалишлар бўлаётганлигини тан олди. Айни вақтда эса Қурбон ака талаб қилган маҳсулотлар келтирилганлигини айтди. Ушбу воқеадан сўнг дўконда сотувчилар сони ҳам кўпайтирилди, таъминот ишлари тартибга солинди.

Ана шундай кўнғироқ Оқтепада яшовчи З. Паранҷудан келди. Зинаида Иванованинг кўнғироқ қилишича, у бириктирилган Октябрь районидеа 26-озик-овқат дўконига унга берилган талон гўки ўтмасмиш. Шунинг учун шакар билан кир ювиш воситаларини оломай овера. Дарҳақиқат, дўконга бориб ўтказилган текшириш сотувчиларнинг лоқайдиллигини тўғрйли рўй берганлигини кўрсатиб берди. З. Паранҷук зарур маҳсулотлар билан таъминланди.

Янгида ана шу телефонга Тагиров фамилияли ёш йигит кўнғироқ қилди. Маълум бўлишча, эндигина турмуш қураётган экан. Фуқароларини рўйхатга олиш идораси (ЗАФС) унга Б. Хмельницкий кўчасида 33-дўконга бориб мебель олиш учун таклифнома берган. Аммо ёш келин-куёвлар дўконга келишса, мелбеллар бор-у, «Улар кўрғазмага қўйилган, кутиб турасиз», деган баҳона билан куруқ қайтишган. Ахир тўй кутиб турмайдикун! Жумҳуриятимиз Президентининг ёш оилалар учун имтиёзлар яратиш тўғрисидаги Фармонларини бажаришга муносабат шуми!

Комитетимизнинг масъул ходимлари бу масалани ўрганиш учун дўконга юборилди. Мурожаат ҳақли эканлиги аниқланди. Ёш келин-куёвлар халқ назоратчиларининг аралашуварини тўғрйли тўйгача мебель олишга улуғдорлар.

Чилонзор районининг 8-даҳасида

яшовчи Л. Юрченкова ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг ертўласи иссин ва совуқ суа қувурларининг занглаб кетиши тўғрйли сувага тўлиб бораётганлиги тўғрисида ташвишликни мурожаат қилди. Унинг районга қарашли 4-уй-жой бошқармасига бориб тинкаси қуриганини, унинг мутасаддилари эрта кел, индинга келдан нарига ўтмаётганлиги тўғрисидаги «хикосия» ўрилли эди. Халқ назоратчиларининг аралашуварини тўғрйли сансалоликка чек қўйилди. Ертўладаги қувурларнинг ишга ероқлиги ёки ероқли эмаслиги текшириб кўрилди, сув тоғишига барҳам берилди.

Худди шундай ердэм шу районнинг 19-даҳасида яшовчи О. Реатов, Октябрь районининг Чорсу даҳасида яшовчи биринчи гуруҳ ноғирини М. Амминов, «Олмазор» маэвасида яшовчи А. Пахомоваларга берилди.

Халқ назорати фош этади

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ХИЗМАТИНГИЗДА

Қатор мурожаатлар автомат телефон станцияларининг мутасадди ходимлари лоқайдиллиги юзасидеа бўлди. Бизга Сергел районидеа яшовчи Э. Медведев, Куйбишев районидеа А. Карпенколар мурожаат этишиб, районлар автомат телефон станциялари уларнинг хонадонларига 3—4 ой олдин телефон аппаратлар ўрнатиб кетишгани, ҳатто телефон номерлари беришгани, бироқ нима учун улашмаётганликлари тўғрисида шикоят қилишди. Текшириш бу мурожаатларга тўғрйларча муносабатда бўливатганлигини кўрсатиб берди. Бунда айбдор шахслар тегишлича жазоланди. Ҳозир эса ушбу телефонлар сурункасига ишлаб турибди.

Шунинг тан олиш керакки, жумҳурият халқ назорати комитетига «Ишонч телефони» ўрнатилганига 4 ой бўлишига қарамай, кўплаб мурожаатлар қабул қилинди, халқ ишончини оқлаш учун ҳаракат қилинапти. Телефон қилётганларнинг тўксон фоизидан кўпи тошкентликлардир. Утган давр ичида савдо ва умумий оватланиш масалаларига оид 57 мурожаат ижобий ҳал

қилинди. Фуқароларимиз ушбу телефон орқали турмушимизда учираб турган камчиликлар, хатоликларни рўй-роқ етказмоқдалар. Мурожаатлар ичида телефон тармоқлари, транспорт шиларидеа камчиликлар, уй-жой фондини сақлашдаги хатоликлар, мансабдор шахслар фаолиятидаги тўғрйларча муносабатлар тўғрисидаги масалалар алоҳида ўринни эгалайдди.

Аниқланган камчиликларнинг натижалари халқ назорати комитетларини йилги ишларига муҳокама учун киритилди. Камчиликка ва хатоликка йўл қўйган шахслар тегишлича жазоланди, уларнинг ёйриллари фаолиятлари меҳнат жамоалари йилги ишларига кўриб чиқилди.

«Ишонч телефони»нинг афзаллиги шундаки, у қўйилган мунаммо ва масалаларни ўз вақтида ҳал этилишига яқиндан ердэм бермоқда.

Аммо, «Ишонч телефони»га қилинган мурожаатларнинг айрмалари тасдиқланган ҳам қолмоқда. Масалан, Ленин районидеа яшовчи А. Чейдов қўшини тўғрисида телефон қилиб, унинг «Жигули» маркази автоматшисеа бўла туриб, Чилонзор район иқроия кўмитаси яна янги «Жигули» машинаси бериш учун қарор чиқарганлигини, шу қонунга тўғрими, дея мурожаат қилди. Тегишли органлар билан ўтказилган текшириш шунини кўрсатдики, район иқроия кўмитаси рўйхатидеа А. Чейдовнинг кўшинининг фамилияси кейинги 4 йил ичида берилган автомобиллар рўйхатида бўлмаган.

Худди шундай мурожаат қаторига жумҳурият Автомобиль транспорт ваэирлигига қарашли 2515-автоконионаси хузуридаги «Фазт» ширкати тўғрисидаги синалини кўриш мумкин. Синалада келтирилган ширкат енгил машиналар тузатиш, аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш ишлари ўринига спиртли ичимликлар сотиш билан шуғулланмоқда, деган фактлар тасдиқланмади.

Жумҳурият халқ назорати комитети ҳар бир мурожаатнинг ижобий ҳал этилишига, унга умид билан кўнғироқ қилган кишилар истакларини албатта бажариш, уларни охиригача етказишга ҳаракат қилиб келмоқда.

«Ишонч телефони»ни билмасангиз, билиб олинг: 33—69—76. Ҳаётимизда учраётган нуқсонларни кўрсангиз, марҳамат, телефон қилинг, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Абдурахим МАХСУМОВ,
Ўзбекистон ССР халқ назорати комитети хатлар ва фуқароларни қабул қилиш бўлими мудирининг ўрибосари.

ЗИЁБАХШ ҚАЛЬ ЭГАЛАРИ

«ҒЎКИТУВЧИ—91» ширкати маърифий тадбирини ўтказишда Тошкентдаги В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш ҳамда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмалари жонбозлиги кўрсатдилар. Бу орхоналар «Ғўкитувчи—91» танловини ғолиб бўлиш учун маълум бўлган бунинг ўрини кўлга киритган бўлса, Тошкент шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси Г. Данильченко эса иккинчи ўринни эгаллади. Шунинг мамунияти билан

айтиш керакки, ушбу катта маърифий тадбирини ўтказишда Тошкентдаги В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш ҳамда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмалари жонбозлиги кўрсатдилар. Бу орхоналар «Ғўкитувчи—91» танловини ғолиб бўлиш учун маълум бўлган бунинг ўрини кўлга киритган бўлса, Тошкент шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси Г. Данильченко эса иккинчи ўринни эгаллади. Шунинг мамунияти билан

Саодат ОДИЛОВА.

ФАХРИЙЛАР ДАВРАСИДА

ЖУМҲУРИЯТ комсомол тарихи музейи қизиларчи маданий тадбирлар ўтказиладиган семимли Маснада ҳам айланб қолди. Иқинда бу ерда Ўзбекистон комсомол фахрийлари билан катта давра суҳубати уюштирилди. Бу савол-жавоб нечасига Ўзбекистон комсомолнинг биринчи съезди делегатлари ҳам таклиф этилди.

Ана шу ҳаёлонли учрашув тафсилотлари суратларда ўз аксини топди. Мангару лаҳзаларга айланган

ушбу суратлар энг яхши экспонатлар сифатида музейга қўйилди. Гап шундаки, Ўзбекистон комсомол тарихи музейи ташкил топганлигига 15 йил тўлди. Шу сана муносабати билан комсомол тарихининг жонли кўзгусида янги бўлим очилш кўзда тутилди. Ундан комсомол фахрийлари билан бўлган учрашувда «Прогресс» маданият маркази истеъодлари берган концертга доир материаллар ҳам ўрин олади.

Анвар АКБАРОВ.



МАЪРАКАЛАР ИХЧАМ ВА КАМТАР ЎТСИН

Аэиз ва муҳтарам маҳалладошлар, шаҳримизнинг фуқаролари!

Бугунги иқтисодиётдаги танглик, бозор муносабатларига ўтиш ҳар биримиздан барча соҳаларда тежамкор бўлишни, шу жумладан тўй ва маърака маросимларимизни ҳам ихчам ва камтарона ўтказишни тақозо этмоқда.

Шунинг ҳисобга олган Ҳамза район маҳаллалар Кенгаши ўз ҳудудида маҳаллалар жамоатчилиги билан олиб борган мулоқотларидан келиб чиқиб, тўй ва маърака маросимларини ўтказиш юзасидан қўйидаги тадбирларни ишлаб чиқди:



1. Бундан буён келиш тушириш, қиз чиқариш ва ҳатта тўй маросимларини маҳалла қўмиталари ҳамда маҳалла тўй ва маросимларини ўтказиш комиссияларининг қатъий назорати остида БИР КУНДА ЎТКАЗИШ.
2. Ҳар қандай тўй ва маърака маросимлари ҳар бир маҳалланинг аҳли, шунингдек маросим ўтказувчиларининг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари даврасида ўтказиш тасния этилсин. Бошқа маҳаллаларга бу маъракаларга таклиф хати билиш мақсадаги мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.
3. Катта ҳаражат талаб қилаётган тўйга айланб кетаётган «Қиз базми» нечалари бундан буён бошқа тадбирлар билан, яъни халқимизнинг ўзига хос «Қиз оши», «Қиз ёнар» каби миллий расм-рўсулларга амал қилинган ҳолда маҳалла онахонлари боғичилигида олоб, ахлоқ нечаси, ифтиҳо ва нафосат оқшоми сифатида ўтказиш чоралари кўриلسин. Бу ишда маҳалла хотин-қизлари кўриلسин. Бу ишда маҳалла хотин-қизлари кўриلسин. Бу ишда маҳалла хотин-қизлари кўриلسин. Бу ишда маҳалла хотин-қизлари кўриلسин. Бу ишда маҳалла хотин-қизлари кўриلسин.
4. Ниҳоқ тўйларидеа қув-келинча тўйхонада ишонч ҳунаратларини район ЗАФС маҳкамаси ходимлари томонидан топирилиши одат тусига кириши таъминлансин.
5. Ҳатта-чўқроқ фақат мутахассис жарроҳ томонидан ўтказилишини таъминлаш учун район соғлиқни сақлаш бўлимининг махсус пуллик хизмати ташкил этиш сўралсин.
6. Район маданият бўлиминдан аҳолига келишилган ҳолда тўйларда пуллик маданий

хизмат кўрсатишини йўлга қўйиш илтимос қилинсин.

7. Тўй ва маъракаларни спиртли ичимликларсиз ўтказишни одат тусига айлантириш учун маҳалла қўмиталари фаолиятини кучайтириш чоралари кўриلسин. Ҳар қандай тўй тантаналарини кеч соат 23 гача тугаллаш қатъий белгилаб қўйилсин.

8. Тўй ва маърака маросимларини ўтказиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тегишли газмол материаллари билан қисман таъминлашни халқ депутатлари район Кенгаши ва район иқроия комитетидан сўралсин.

РАЙОН МАҲАЛЛАЛАР КЕНГАШИ ЮҚОРИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА ҚўЙИДАГИ ТАВБИЯЛАРГА РИОЯ ЭТИШНИ МАҚСАДА МУВОФИҚ ДЕК ҒЎСОБЛАЙДИ:

1. Улаштириш-фетиҳа тўйи маросимини нуҳчум уюштириш, фетиҳа хонадонига борадиган оқсонлар ва кўён навбарлар 10—15 нафардан оқсонлигини белгилаб қўйиш.
2. Қудалар ўзлари истеъодат қилладиган маҳаллалар қўмиталари вакиллари иштиронидеа миллий одат ва эл таоминидан қимнатан ҳолда тўйдан олдинги бўлдиғани турли-туман келишуварини, сарулолар масаласини ҳал қилишда қўйидагиларга амал қилишлари мақсада мувофиқдир.
- Келин томонга тўй жўнатилган бир қопдан ун, гуруч ва шунага яраша бошқа масалиндлар. Иккин томондан келин ва кўён учун қилина-

диган сарулолар: биттадан пальто, биттадан костюм (Келин учун юбкаси билан), кўпи билан иккита жемпер, тўрттадан рўмол ва икки кийим. Битта иккита, битта кузги, иккита ёғни пойабзал, кўпи билан тўртта шиппак. Келин сарулолари ҳаммаси бўлиб 15 тадан, кўёбинини эса ўнтадан ошмаслиги шарт.

Кўрпа, ёстиқ ва кўрпачалар тўрттадан ошмаслиги керак. Имкониятлари бўлса битта гилам ёки палос-шолча, биттадан сандиқ, кўпи, мебель масаласи қудаларнинг келишувига асосан ҳал қилиниши лозим. Лекин мебель топши масаласи тўй қолдирилишига асос бўла олмаслиги керак.

Ҳар қандай тўй ва маърака маросимларида дамланадиган палатона солинадиган гуручининг миқдори кўпи билан 30 килограммдан ошмаслиги маъқул. Тўй маросимларига дамланадиган палов наҳорга, маъракаларда эса тушликка тортилиши мақсадаги мувофиқдир.

4. Кўён қақирди, чаллар ва бешик олиб бориш маросимлари фақат оилавий тарзда ўтказилиши таомил бўлиб қолиши таъминлансин.

Маъмур тадбир ва тавсиялар ҳар бир маҳалла қўмиталари томонидан маҳалла аҳлига етказилиши, умумий йиғинларда яна бир бор муҳокама этилиши ва маҳаллий шааронга мослаб амалда оширилиши, буларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши қатъий назорат остига олиниши мақсадаги мувофиқдир.

«Ушбу тадбирлар ва тавсиялар Ҳамза район маҳаллалар Кенгашининг 1991 йил 26 апрел кунини бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғинишда бир овоздан қабул қилинди».

«ЧОТҚОЛ» —

БУ ҚИЗИҚАРЛИ САЕХАТЛАР.

ХУШМАНЗАРА БАЗАЛАРДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ.

САНАТОРИЙЛАРДА ДАВОЛАНИШ ДЕ-МАКДИР!

«ЧОТҚОЛ» САЕХАТЛАР ФИРМАСИ

ҚУЙДАГИ МАРШРУТЛАРГА

ЙУЛЛАНМАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

САЕХАТ ЙУЛЛАНМАЛАРИ

МИНСККА — 20 — 24 май, 25 — 29 июнь;

ОДЕССАГА («Маяк» пансионати) — 21 — 26 май, 23—27 июнь, 1—5 июль;

ЛЬВОВГА («Интурист») — 25—29 май, 5—9 июль;

МОСКВАГА — 15—19 май, 27 май — 1 июнь, 29 июнь — 3 июль;

ЛЕНИНГРАДГА — 23—27 май, 28 май — 2 июнь, 21—25 июнь, 5—9 июль;

ИРКУТСККА (меҳмонхона), «Ракета»да Байкал кўли бўйлаб, «Ангара дарёси қуйлишига» сайрлари — 8—12 июнь, 21—25 июль, 8—12 август;

АЛУШТАГА — 12—27 июнь, 28 июнь — 13 июль, 14—29 июль, 30 июль — 14 август, 15—30 август;

КОСТРОМАГА, оилавий («Луново» саеҳатчилар базаси) — 16—30 июль, 16—30 июль;

АДЛЕРГА (курорт шаҳарча, меҳмонхона) 10—24 июнь, 24 июнь — 8 июль, 8—22 июль, 22 июль — 5 август, 5—19 август;

ОДЕССА — КИЕВ — ОДЕССА БУЙЛАБ «СОВЕТСКАЯ РОССИЯ» теплоходда — 8 — 29 июнь, 12—23 июль, 28 август — 9 сентябрь (1-класс каюта);

дам олиш кўни маршрутлари бўйлаб — ОЛМАОТАГА, ФРУНЗЕГА, «АНГИБОД» саеҳатчилар базасига, «ЧИМЕН» саеҳатчилар комплексига — 24—26 май, 29 июнь — 1 июль;

бир кунлик дам олиш маршрути — САМАРҚАНДГА, ЛЕНИНБОДГА, ЧИМКЕНТГА, «ЧИМЕН» САЕХАТЧИЛАР КОМПЛЕКСИГА — ташкилотлар аризасига кўра;

САНАТОРИЙ-КУРОРТ ЙУЛЛАНМАЛАРИ ТРУСКАВЕЦГА («Здоровье» пансионати) — 19 октябрь — 11 ноябрь, 12 ноябрь — 5 декабрь, 7—30 декабрь;

НАРВА-НИЭСУУ (Фин қўлтиги соҳилидаги профилакторий) — таянч ҳаракат аппарати хасталикларини, периферик асабларни ва мушакларни, қон босими хасталикларини, қон томirlарнинг кенгайиши, асаб системаси функционал бузилишларини даволаш — 9 — 21 июнь, 7 — 19 июль;

ЧЕБОКСАРИГА (С. Федоров институти филиали) — кўз микрожарроҳлиги текширишлари — 14—17 май, 18—21 июнь, операция, кўз микрожарругияси — 14—23 ноябрь;

СЕВАСТОПОЛГА («Омега» санаторийси) — нафас олиш аъзолари, юрак-қон томirlар системаси, асаб системаси, таянч-ҳаракат аппарати хасталикларини даволаш — 17 май — 9 июнь.

Манзилгоҳимиз: Луначарский узун кўчаси, 42.

Телефонлар: 68-93-42, 68-93-43.

«ЧОТҚОЛ» САЕХАТЛАР ФИРМАСИ.

БУЛАЖАҚ АБИТУРЕНТЛАР

ДИҚҚАТИ!

УЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР 2-ТИББИЕТ БИЛИМ ЮРТИ

1991 ЙИЛ 28 МАЙ ВА 18 ИЮНЬ КҮНЛАРИ

СОАТ 14 ДАН 17 ГАЧА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КҮНЛАРИНИ УТКАЗАДИ

Бу ерда Сиз билим юрти хоналари ва ижодхоналарининг иши, бўлажак ихтисосликларингиз — ҳамширалик (тиббиёт ҳамшираси), фельдшерлик (даволаш иши) касблари билан танишасиз.

Очиқ эшиклар кунига тўла ўрта маълумотга эга бўлган 10—11-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек мактабни янги тамомлаган ва тиббиёт билим юртига кириб ўқиш хоҳишини билдирган йигит-қизлар таклиф қилинади.

Манзилгоҳимиз. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов району, Озод кўчаси, Қўлтиватор тор кўчаси, 16-уй (11, 31, 28, 64-автобуслар, 4, 8, 20-троллейбуслар 7, 15, 16-трамвайларнинг «Марказ — 26» мавзеси) бекати).

Телефон 44-32-25.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазири-нинг Тошкент шаҳар 2-тиббиёт билим юрти.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

38-ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун қуйдаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ДУРАДГОР, ҚУРИЛИШ БУЕҶЧИ-СУВОҚЧИСИ, ҚОШИНКОР-ҒИШТ ТЕРУВЧИ, ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ БУЙИЧА ПАЙВАНДЧИ-АРМАТУРАЧИ.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

9—11-синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 йиллик гуруҳларда ўқувчиларга ихтисоси бўйича тегишли малака ҳамда ўрта маълумот тўғрисида диплом берилди.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар ўқиш даврида бепул иш ва кўчалар кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ оғдат билан таъминланадилар. 10-синф маълумотидаги ўқувчилар эса стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 50 фоиз иш ҳақи тўланади.

Тошкент шаҳрида ва шаҳарга яқин ноҳияларда истиқомат қилувчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўШИВ ҲИСОБЛанаДИ.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар, ҳуқуқат қарорига мувофиқ, билим юртини битиргандан кейинги мажбурий меҳнат фаолиятисиз олий ўқув юрти-ларига ўқишга юбориладилар.

Билим юрти қошида техника ижодийети, бадий ҳаваскорлик, суратшавлик тўғрисида, спорт шўбалири ишлаб турибди. Чорроқ қишлоғи агрофида ёғи дам олиш манзилгоҳи бор.

Қуйдаги ҳужжатлар топширилади: ариза, туғилганлиги ва маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиги тўғрисида ва турар жойдан маълумотномалар, паспорт, 3x4 см катталикдаги 6 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛанаДИ.

Манзилгоҳимиз: 700141, Тошкент шаҳри, Бағратион кўчаси, 4-уй (17 «е» автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси»; 6, 13, 22-трамвайларнинг «Гулдоғозлар дўкони» бекати). Телефонлар: 63-29-82, 63-06-97.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири

3-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991 — 1992 ўқув йили учун

қуйдаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосдаги дастгоҳчи, рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳларни бошқарувчи, электр-газ пайвандчи, электр йиғувчи (электр монтаж, сановат асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари (махсуслот сифати назоратчиси), ЭХМ техника таъмири ва таъминоти электр механиги, авточилангар.

БИЛИМ ЮРТИГА 9—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

11-синф маълумоти билан ўқийдиганларга ўқиш муддати 10 ой.

Билим юртини тугатгандан сўнг эгаллаган мутахассислиги бўйича диплом берилди, ўқиш давомида 30 сўм миқдорда стипендия оладилар.

8-синф маълумоти билан ўқийдиганларга ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатгандан сўнг эгаллаган мутахассислиги бўйича ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида ҳужжат берилди.

Ўқиш даври таърифусиз меҳнат стажига кирди. Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул иссиқ оғдат, кундалик ва кўчалар кийим-кечан билан таъминланади. Ишлаб чиқаришдаги амалий машғулотлар даврида 50 фоиз иш ҳақи тўланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилида олиб берилди. БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР «ТАШСЕЛМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганлар олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚИРИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ҚУЙДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШЛАРИ ЗАРУР: директор номига ариза, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, тиббий справка 086/у формадаги.

9-синфини тугатганлиги ҳақида гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақида шаходатнома, 6 дона расм (3x4).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛанаДИ.

Билим юртининг манзилгоҳимиз: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй (18, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари илмгоҳи» бекати, 21, 49-автобусларнинг «3-хунар-техника билим юрти» бекати, 1-йўналишдаги такси М. Горький метро бекатидан қатнайди). 65-06-54, 65-06-55.

АВ ОМИЛКОР ВА ТАДБИРКОР БЎЛИНГ!

ИҚТИСОДИЙ ТАНЛИК ВА ЭРТАНГИ КҮНИМИЗГА ИШОНЧСИЗЛИК РУҲИ ҲУҚМ СУРАЕТГАН БУГУНГИ ТАҲЛИКАЛИ ДАРВИМИЗДА ҲАММИЗНИ ҲАМ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ОМИЛКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК КЎРСАТЯПМИЗ, ДЕБ БУЛМАЙДИ.

Уйлар, дала-ҳовлилар, автомашиналар, аудио ва видеотехника, хусусий компьютерлар сингари ўта ноёб бейбаҳо ашёларга молик бўлганмииз ҳолда, бизга қанчалик хавф-хатар таҳдид солаётганлигини ҳар доим ҳам ҳисобга олавермаймиз. Шунингдек, шахсий кутубхоналар, коллекциялар, санъат асарлари ва антиқий буюмларингизни ҳам хавф остида қолдириш тўғри эмас, албатта.

Бундан ташқари, туришганларингиз ва яқин кишиларингизнинг фаровонлиги ва тинч-омонлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Сиз ана шуларнинг ҳаммасини ҳозирги бозор нарх-наволари ва инфляция (қороз пулларнинг қадрсизланишини) ҳисобга олган ҳолда бизнинг корхонамизда сугурта қилдириб қўйишингиз мумкин.

Биздаги сугурта шартлари хорижий стандартлар даражасида бўлиб, миқозлар учун биз билан ҳамкорлик қилиш — осон, қулай ва энг муҳими — фойдалидир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИ

ЖУМҲУРИЯТ ХУНАР-ТЕХНИКА

БИЛИМ ЮРТИ

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ноозиқ оғдат (саюат) товарлари сотувчиси ва контролёр кассир;

озиқ-оғдат моллари сотувчиси ва контролёр-кассир;

қандолатчилик ва ошпазлик;

музаймоқ ишлаб чиқариш;

денораторлар (ўқиш муддати 2 йил);

газ-сув автоматларини тузатувчи (ўқиш муддати 11 ой);

бухгалтерлар (ўқиш муддати — 1 ой).

Сотувчи ва контролёр кассир, ошпазлик ва қандолатчилик ихтисослари бўйича ўқиш муддати — 3 ой, 6 ой ва 8,5 ой;

Курсни битирганларга гувоҳнома ва дипломлар берилди.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎПЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛанаДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қошида ётоқхоналар мавжуд.

Қуйдаги манзилга мурожаат қилинсин: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Нигомов району, Собир Юсуфов кўчаси, 8-уй (13, 70, 116«а»-автобусларнинг «Тез ёрдам клиникаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чулпон ота» бекати). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазири

27-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйдаги мутахассисликлар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ЕҶОҶ-СОЗЛИК СТАНОКЧИСИ — ўқиш муддати 1 йил, ДУРАДГОР — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

ВАДИНИ ВА МОДЕЛЛИ МЕБЕЛЬ ДУРАДГОРИ — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

ҚУРУВЧИ ДУРАДГОР — ўқиш муддати 2 — 3 йил. ЖИЛВА БЕРИШ МУТАХАССИСЛИГИ БҶИИЧА БҶЕҶЧИ — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

ПАРДОЗЛОВЧИ, ПЛИТА ЕТКИЗУВЧИ — МОЗАИКАЧИ — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

ТИКУВЧИ — ОПЕРАТОР — ўқиш муддати 2 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ 1990 — 91 ЎҚУВ ЙИЛИДАН ТАЖРИБА (эксперименталь) ИШ РЕЖАСИГА ЎТИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЖРИБА (эксперименталь) ГУРУҲЛАРИГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9 синфини «яқин» баҳолар билан тамомлаган ўқувчилар шу тажриба (эксперименталь) гуруҳларига қабул қилинади.

Билим юрти қабул комиссияси ўқувчилар билан 20 июндан 1 июлгача суҳбат ўтказиши. Суҳбатдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар билим юртига муддатидан олдин қабул қилинади, шу ўқувчилар 25 августда она тилидан (диктант), математикадан (орзани) имтиҳон топширадилар.

Билим юрти тажриба гуруҳини «яқин» ва «аъло» баҳо-лар билан тугаллаган ўқувчилар билим юрти қошидаги ўрта-махсус (техникумга) ўқишга қабул қилинадилар. Билим юртига 9, 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. 2—3 йиллик ўқини тугаллаганларга ўрта маълумот ҳақидаги аттестат билан мутахассислиги тўғриси-да диплом берилди.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул оғдат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоиз билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш муддати иш стажига кирди.

27-хунар-техника билим юрти, янги, замонавий бияога жойлашган, шунингдек билим юртида бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги ташкил этилган.

Спорт комплексига босқ, кураш, пара-тэ, тэвжон-до, шахмат, шашка, волейбол секциялари ишлайди.

БИЛИМ ЮРТИДА ВИДЕОФИЛЬМ ХОНАСИ ИШ-ЛАЙДИ.

Билим юрти бошлиғи номига ёнланган аризага қуйда-ги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақида-ги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойдан справка, ота ёки она-сининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат, 3x4 см, 086/у формадаги медицина справкиси.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Спутник 4, мавзе, (19-троллейбус ва 58, 75, 98, 40-автобусларнинг «27-билим юрти» бекати).

Чунки бу ерда сугурта товонини ҳеч қандай оврагарчиликсиз 72 соат ичда оласиз.

Бундан ташқари, Сиз ўз жамғармаларингизни бирор манфаатли мақсадлар йўлида сарфлашингиз ва йилга 10 фоиз ҳажмида даромад олишингиз мумкин бўлади.

Шунингдек, Сиз ўз корхонангиз, ташкилотингиз, ширкатингиз зиммасидаги солиқлар юқини энгил-латиш ва ўз ходимларингизни моддий рағбатлан-тириш имкониятини қўлга киритасиз.

УЗОҚНИ КЎЗЛАЙДИГАН, ОМИЛКОР СОҶИ БЎЛИНГ — СИЗ БУНИНГ УДДАСИДАН ЧИҚАСИЗ!

Биз Сиз учун қулай пайтда — уйингиздами иш-хонаингиздами ёки бизнинг хизмат идорамиздами учрашиб ўзаро ҳамкорлигингизни турли ранг-баранг қирралари ва Сизнинг бу ҳамкорлик доираси-даги имкониятларингиз ҳақида фикр алмашишдан мамнунмиз.

Биз барча хоҳловчиларни хоҳ миқоз сифатида бўлсин, хоҳ ҳодимлар сифатида бўлсин, ҳамкор-лик қилишга чорлаймиз.

Шунингдек, биз бошқа регионал маркаларда шу тахлитдаги тузилмаларни вужудга келтириш борасида ҳамкорлик қилиш учун ишбилармон ва ташаббускор кишиларни ҳам таклиф этамиз.

«АСТРОВАЗ» СУГУРТА КОРХОНАСИ 700047, Тошкент шаҳри Ю. Фучик кўчаси, 2-а уй, 315, 317-хоналар, телефон 33-71-68.

Иш тартиби: дам олиш кунисиз, ҳар кун соат 9,00 дан 21,00 гача.

РЕСПУБЛИКА ҚЎГИРЧОҚ ТЕАТРИНИНГ

МАЙ ОЙИ

РЕПЕРТУАР РЕЖАСИ

11/Да — СИРЛИ НАИ.
18/Да — БУКРИ ТОЙЧОҚ.
19/Да — УЧАР КАВУШ.
25/Да — ОЛТИН КАЛИТЧА.
26/Да — ФОТИМАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ.
ТОМОШАЛАР СОАТ 11.00 ВА 14.00 ДА БОШЛА-НАДИ.

КАССА СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ (душанба, сешанба кунларидан ташқари).

Маълумот учун телефон: 56-73-95.

Манзилгоҳимиз: Фазогирлар шўх кўчаси, 1 (метронинг Фазогирлар бекати).



ТОШКЕНТ

ДАВЛАТ

ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

САҲНАДА — МОСКВАЛИКЛАР

КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАЛАР:

11 майда — соат 17.00 да

БОШЛанаДИ.

ОММАВИЙ ТАЛАВНОМАЛАР ҚАБУЛ

ҚИЛИНМОҚДА.

Касса соат 9 дан 19.00 гача ишлайди.

Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан со-тилади.

Цирк фойсидида шошилик суратшавлик саломи иш-лайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.